

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2020 —

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

Ш.Каримов, З.Комилова
Сингуляр коэффициентли тўртинчи тартибли битта тенглама учун Гурса масаласи..... 6

К.Каримов
Яримчексиз параллелепипедда учта сингуляр коэффициентга эга бўлган эллиптик тенглама учун чегаравий масалалар 11

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

Р.Расулов, Б.Ахмедов, А.Абдухоликов, У.Раимжонова
Яримўтказгичларда ток ташувчилар эффектив Гамильтониани назарияси хусусида..... 24

КИМЁ

М.Хожиматов, Ф.Абдугаппаров, И.Асқаров, Қ.Отахонов
М-ферроценилбензой кислотаси билан амигдалин реакциясини ўрганиш 28

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Э.Исаков, Ш.Турдиев
Болалар орасида бирламчи ногиронлик структурасининг таҳлили..... 33

Ф.Тухтасинов
Фарғона водийси жанубидаги сабзаёт экинларининг агробиоценозлари орасида тарқалган бегона ўтлардаги бўртма ва бошқа тур паразит фитонематодаларнинг тарқалиши 37

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Т.Абдуллаев
Инсон фаолиятининг ижтимоийлашуви 42

Г.Ғаффарова, Б.Қодиров
Ҳаракатлар стратегияси ва тизимли ёндашув 47

М.Каримова
Инсоният онги ва қалбига қаратилган глобал таҳдидлар 52

А.Музаффаров
Маданиятлараро мулоқот категорияси тадқиқига фалсафий-герменевтик ёндашув..... 56

А.Қамбаров, Д.Тошалиев
Бузрук мақомидан Сарахбори бузрук шуъбасининг таҳлили масаласига доир 60

ТАРИХ

Т.Эгамбердиева
1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида ўзбек хотин-қизларининг маънавий жасорати..... 66

Ҳ.Холиқулова
Ўзбекистон ногиронлар нодавлат нотижорат ташкилотлари: истиқболлари ва уларни ривожлантириш йўллари..... 71

О.Ахмадов
Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР)да таълим ва тарбияни замонавийлаштириш учун кураш 75

УДК: 93/99+343.294

ЎЗБЕКИСТОН НОГИРОНЛАР НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ:
ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА УЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИНЕГОСУДАРСТВЕННЫЕ НЕКОММЕРЧЕСКИЕ ОРГАНИЗАЦИИ ИНВАЛИДОВ
УЗБЕКИСТАНА: ПЕРСПЕКТИВЫ И ПУТИ ИХ РАЗВИТИЯNON-GOVERNMENTAL NON-PROFIT ORGANIZATIONS OF DISABLED PEOPLE OF
UZBEKISTAN: PROSPECTS AND WAYS OF IMPLEMENTATION.

Ҳ.Холиқулова

Аннотация

Мақолада аниқ далиллар ва расмий ҳужжатлар асосида ногиронлар нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташкил топиш тарихи ва уларнинг мустақиллик йилларидаги фаолияти йиллар кесимида очиб берилган. Мақолада мустақиллик йилларида ишлаб чиқилган ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга муносиб турмуш шароитини яратиш механизми ёритилган.

Аннотация

В статье на основе официальных документов и фактического материала показана история создания деятельности системы негосударственных, некоммерческих организаций инвалидов в деле обеспечения их экономического и социального благосостояния, а также раскрывается создание механизма социальной защиты лиц с ограниченными возможностями, разработанного в годы независимости Узбекистана.

Annotation

On the basis of official documents and factual material the history of creating a system of non-state and non-profit organizations for the disabled in achieving their economic and social welfare is illustrated, furthermore, the creation of a social protection mechanism for persons with disabilities, developed in the years of independence of Uzbekistan is revealed.

Таянч сўз ва иборалар: имконияти чекланган шахслар, ижтимоий ҳимоя, реабилитация, имплементация.

Ключевые слова и выражения: люди с ограниченными возможностями, социальная защита, реабилитация, имплементация.

Keywords and expressions: peoples with disability, social protection, rehabilitation, implementation.

Жаҳон стандартларига мувофиқ, ҳар қандай жамиятнинг ривожланиш даражаси давлатнинг имконияти чекланган шахсларга муносабати, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш учун шароитлар мавжудлиги, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари билан белгиланади.

Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш демократик жамиятни ривожлантиришнинг асосий тамойилидир, унинг қурилиши дунёнинг аксарият мамлакатлари томонидан амалга оширилади. Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ, ногиронлиги бўлган шахслар давлатнинг тенг ҳуқуқли аъзолари ҳисобланадилар ва ижтимоий ҳимоя Ҳаракатлар стратегиясининг битта устувор йўналишида асосий ўрин эгаллаган. Шу туфайли аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, шу жумладан республикада истиқомат қилувчи 780 мингдан ортиқ ногиронлиги бўлган

шахсларга муносиб турмуш шароитини яратиш бериш мамлакатнинг ижтимоий сиёсатининг асосини ташкил қилади [1,24]. МДҲ давлатлари ичида биринчилардан бўлиб Ўзбекистон 1991 йилда "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида" ги қонунни ишлаб чиқди ва қабул қилди (қонун 2008 йилда янги таҳрирда қабул қилинган), МДҲ давлатлари ичида биринчилардан бўлиб ногиронлар учун қулай яшаш шароитларини таъминлаш механизмлари ишлаб чиққан ва тасдиқлаган, бунинг учун ногиронлиги бўлган шахслар учун мўлжалланган объектлардан фойдаланиш имконияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун мансабдор шахслар учун маъмурий жавобгарлик тартиби ҳам белгиланган. Агар мустақилликка қадар фақат карсоқовлар ва

Ҳ.Холиқулова – Жиззах политехника институти, Ўзбекистон тарихи ва ижтимоий фанлар кафедраси доценти. (PhD).

кўзи ожизлар жамиятлари бўлган бўлса, бугунги кунда ногиронлар нодавлат нотижорат ташкилотларининг сони 100 тадан ошди [2].

Сўнгги пайтларда мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга тобора кўпроқ эътибор берилмоқда. Бунга 2006 йилда БМТ томонидан қабул қилинган “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция” нинг Ўзбекистон Республикаси томонидан 2009 йилда имзоланишини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Ҳозирги пайтда Конвенцияни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан барча тегишли вазирлик ва идораларга Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси томонидан 1975 йил декабрда эълон қилинган “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида” ги конвенцияни ратификация қилишга тайёргарлик кўриш бўйича Миллий ҳаракат режаси ишлаб чиқилди [3]. Ушбу лойиҳа НАННОУз қошидаги ногиронлик масалалари бўйича маслаҳат кенгаши доирасида ногиронлар жамоат ташкилотлари томонидан [4] ишлаб чиқилган.

Ушбу Маслаҳат Кенгаши ногиронларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида фаолият юритадиган етакчи нодавлат нотижорат ташкилотлари, тегишли давлат органлари ва бир қатор халқаро ташкилотларнинг (кузатувчилар сифатида) вакилларини бирлаштирган маслаҳатчи жамоат ташкилотидир.

Кенгашнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикаси Парламенти томонидан БМТнинг “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенциясини ратификация қилиш ҳамда ушбу Конвенция ратификация қилинганидан кейин унинг ижроси ва ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга кўмаклашиш.

- Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органларига ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини таклиф сифатида киритиш.

- Ижтимоий сиёсатни ва уни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва давлат органлари ўртасида ижтимоий

шерикликни ташкил этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.

- Ўзбекистон ногиронларининг ҳаётини муаммоларини муҳокама қилиш ва уларни ҳал қилиш режаларини амалга оширишда ногиронларнинг нодавлат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш.

- Ногиронларнинг жамоат бирлашмалари позицияларини ҳисобга олган ҳолда уларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Конвенциянинг имзоланиши Ўзбекистоннинг имконияти чекланган шахслар сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқларини таъминлаш борасида жаҳон стандартларига мувофиқ сиёсатидан далолат беради.

Конвенцияни ратификация қилиш ногиронлиги бўлган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда ННТларнинг ролини сезиларли даражада кенгайтиради. Конвенция ногиронлиги бўлган шахсларни қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш жараёнида фаол иштирок этишини таъминлайди.

Конвенцияда таъкидланишича, “Ушбу Конвенцияни ва ногиронлар билан боғлиқ бўлган бошқа қарорларни қабул қилиш жараёнларида ва қўллашда иштирок этувчи давлатлар ногиронлар билан яқин маслаҳатлашадилар ва уларни ўзларининг вакиллари орқали фаол жалб қиладилар”.


Шу билан бирга, Конвенциянинг ратификация қилиниши ногиронлар жамоат ташкилотлари учун кенг имкониятлар яратиб бериш билан бир қаторда уларнинг зиммасига жиддий масъулиятни ҳам юклайди. Конвенциянинг 33, 34, 35-моддалари қоидаларига мувофиқ, ногиронлар жамоат ташкилотлари томонидан Конвенциянинг бажарилишини мониторинг қилишда иштироки ҳамда бу борада халқаро ҳамкорлик ўрнатилиши таъминланади.

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон Республикасида ногиронлар учун қулай турмуш шароитини яратиб беришга хизмат қилувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари қатлами шаклланмоқда. Улар 100000 нафардан ортиқ аъзосига эга бўлган республика миқёсидаги йирик ташкилотлар ва ўз худудларидаги ногиронлар муаммоларини ҳал қиладиган шаҳар ва

ТАРИХ

вилоятлардаги филиаллари томонидан тақдим этилган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг маълумотларига кўра, мамлакатда ногиронлар манфаатларига хизмат қилувчи 76 та жамоат ташкилоти фаолият юритмоқда [5]. Бу ерда ногирон болалар, ёшлар, аёллар, спорт ташкилотлари, шунингдек, ногиронлар ташкилотлари бор, улар инфратузилма, таълим, иш билан таъминлаш, юридик, профессионал, психологик хизматларни тақдим этиш ва ҳоказолар билан шуғулланади. Улар орасида қуйидагилар

бор: республикамізда самарали фаолият юритаётган Ўзбекистон тадбиркор ногирон аёллар ассоциацияси, «Нур», Ногирон Тадбиркорлар Ассоциацияси Ўзбекистон Ногиронлар Жамияти, «Статус» ННТ, «Меҳрибонлик» ННТ, «Умидворлик» ННТ, «Опа-сингиллар» ННТ, «Миллениум» ННТ, Ўзбекистон Ногирон тадбиркор аёллар Ассоциацияси, «Меҳр кўзда» ННТ кабиларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. [6]. Бугунги кунда ногиронлар ННТларининг сони 600 тадан ошди.



Уларнинг энг йириги - Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Кўзи ожизлар жамияти, Кар ва соқовлар жамияти, уларнинг филиаллари Ўзбекистоннинг барча 12 та вилоятида, Қорақалпоғистон Республикасида ва Тошкент шаҳрида, яъни 24 шаҳар ва 119 та туманда мавжуд.

БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилиш ва амалга оширишга кўмаклашиш, шунингдек, давлат органлари ва ногиронларнинг жамоат ташкилотлари ўртасида ижтимоий шериклик ўрнатиш, ижтимоий сиёсат ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида 2012 йил октябр ойида НАННОУзда жамоат ташкилотларининг Маслаҳат кенгаши ташкил этилди. Агар ўз фаолиятининг бошида Маслаҳат кенгаши ногиронларнинг 7 та нодавлат ташкилотини рўйхатга олган бўлса, бугунги кунда унинг таркибига 28 ногирон ННТ киради. Ушбу Маслаҳат кенгаши Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация ва

имплементация қилиш бўйича Миллий ҳаракат дастури лойиҳасини ишлаб чиқишда фаол иштирок этди. Худди шу йўналишдаги ишларни ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ҳузуридаги Парламент комиссияси, Адлия вазирлиги, Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий маркази, Омбудсман институти, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси ҳамда Паролимпия миллий ассоциацияси билан ҳам ўзаро мустаҳкам алоқалар йўлга қўйилди [7].

Маслаҳат кенгаши етти йиллик фаолияти давомида, биринчи навбатда ногиронларнинг жамоат ташкилотларини бирлаштириш ва давлат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик ўрнатиш борасида улкан натижаларга эришди. Масалан:

1. МХД (миллий ҳаракат дастури) давлат ва халқаро ташкилотлар билан ҳамда ННТлар билан ҳамкорликда муҳокама қилинган ва амалиётга табиқ этилган. (2014 йил 7 май).

2. Қайта кўриб чиқилган МХД расмий равишда маслаҳат кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди (2014 йил июл).

3. Вазирлар Маҳкамаси МХД лойиҳасини ўзгаришсиз қабул қилди ва расмий равишда барча тегишли вазирлик ва идораларга кўриб чиқиш учун юборди (2014 йил август - нухаси илова қилинади).

4. ННТ томонидан МХД лойиҳасини тайёрлашда ижобий тажриба тўғрисидаги маълумотлар доимий равишда давлат томонидан эълон қилинади. Маслаҳат кенгаши ва Ўзбекистоннинг барча сиёсий партиялари ўртасида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

5. Ногиронлар нодавлат нотижорат ташкилоти вакиллари қонун чиқарувчи органлар депутатлигига номзод сифатида тақдим этилиши тўғрисида келишувга эришилди [8,4].

Бу маслаҳат ташкилотининг давлат ташкилотлари билан ўрнатган ҳамкорликларига мисол бўлади. Демак, Ўзбекистонда ногиронлар ННТ лари ва давлат ташкилотлари ўртасида узвий ҳамкорлик ўрнатилган. Ўзбекистонда Соғлиқни сақлаш вазирлиги санаторий ва курортларга рухсатномалар беради, протез-ортопедик маҳсулотлар билан таъминлайди, ногиронларни реабилитация қилиш ва

уларни соғломлаштириш, халқ таълими тизимида ва олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари тизимида алоҳида эҳтиёжли болалар учун тўғридан-тўғри таълим олиш имкониятини таъминлаш учун имтиёзлар яратилади. Бунинг аҳамиятли жиҳати шундаки, республикада ногиронлар учун алоҳида имкониятлар яратадиган замонавий тизим шакллантирилмоқда. Масалан, илгари кўзи ожизлар ва кар-соқовлар учун ногиронларнинг кичик гуруҳларига хизмат кўрсатадиган жамиятлар мавжуд бўлган бўлса, энди нодавлат нотижорат ташкилотларининг сони кўпайиб, улар янги қиёфада намоён бўлмоқда ва янги таркиб билан тўлдирилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистонда имконияти чекланганларнинг ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш борасида давлат ва нодавлат ташкилотларининг самарали механизмларини яратиш, уларни доимий равишда такомиллаштириб бориш давлат сиёсатининг бош мақсадига айланди. Имконияти чекланганларнинг ижтимоий ҳамда иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қонунчилик тизими Конвенцияда назарда тутилган талабларга мос келади.

Адабиётлар:

1. Исаков О. БМТнинг ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциясини ривожлантириш стратегияси ва уни амалга ошириш: БМТнинг ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияси ва уни амалга оширишдаги қийинчиликлар, "Қонун олдида тенглик: Марказий Осиёда одил судловга эришиш" дастури. –Олма-ота. 2012 йил 19-20 ноябр.
2. Статистик йилнома. 1997-2002 йиллар. – Т.1 – Т.: Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси, 2002.
3. Азимов.К.А. Тенг ҳуқуқлар - тенг имкониятлар // Кадрият. 2014. № 28.
4. Хақимов.Н.К. Ўзбекистонда беморлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш асослари // Сихат саломатлик. - 2013.-№3.
5. Узакова.З.Н. Ногиронлиги бўлган одамларни иш билан таъминлашнинг замонавий усуллари // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари.-2014.№1.
6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2014 йил 12 мартдаги 01 / 3-14-07 / 3-61-сонли буйруғи.
7. "Ўзбекистон Республикасида ногиронлар жамиятининг фаолияти муаммолари ва истиқболлари" таҳлилий маърузаси, БМТТД, август, 2012 йил.
8. Исаков. О.Ю. БМТнинг Ўзбекистонда ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциясини ратификация қилишга кўмаклашиш // Кадрият. 2014. №36.

Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор